

Ҳожиларнинг ғусл қилиши суннат бўлган ўнта амал



19:30 / 05.08.2019 1733

Ҳожилар ҳаж қилиш жараёнида ғусл қилишлари суннат бўлган ўринлари ўнта бўлиб, бунга ҳожилар амал қилишлари керак бўлади. Улар оддий покланиш – чўмилиш бўлиб, фарз ёки вожиб амаллар ҳисобланмайди. Бироқ, савоблар ортиши учун бунга амал қилмоқ мақбул амаллардандир:

- 1) Ҳожилар эҳром боғлашларидан аввал ғусл қилмоқлари суннатдир.
- 2) Маккаи мукаррамага киришдан аввал ғусл қилмоқ суннатдир.
- 3) Арафот майдонида туришда ғусл қилмоқ суннатдир.
- 4) Муздалифа тоғи ҳудудида туришда ғусл қилмоқ суннатдир.
- 5) Зиёрат тавофини қилмоқ учун ғусл қилмоқ суннатдир.
- 6) Катта шайтонга тош отиш учун ғусл қилмоқ суннатдир.
- 7) Кейинги куни шайтонга тош отиш учун ғусл қилмоқ суннатдир.
- 8) Учинчи куни шайтонга тош отиш учун ғусл қилмоқ суннатдир.

9) Садр тавофини қилмоқ учун ғусл қилмоқ суннатдир.

10) Мадинага кириш учун ғусл қилмоқ суннатдир.

Бу вақтларда ғусл қилмоқнинг суннат эканлиги ҳадиси шарифлар орқали маълум бўлган. Ҳанафийликнинг «Баҳр ар-роиқ», «Радд ал-муҳтор», «Канз ад-дақоиқ», «ал-Баҳр ал-амийқ», «Минҳат ал-Холиқ» каби фикҳий манбаларида бу ҳақида қайд қилинган. Муҳаммад Юсуф ал-Баннурийнинг «Маориф ас-сунан» асарининг олтинчи жилдида ҳам бу ҳақида сўз юритилган.